


84

Ҳолиқназар ҲОЛИҚИЁЗ



Кўнгила
фаслалари

84
x-20

Холиқназар ХОЛНИЁЗ

КЎНГИЛ ФАСЛЛАРИ

Шеърлар



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAHSUS TA'LIM VAZIRLIG'I
TOSHKENT VILOYATI SHIRSHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAHSUS TA'LIM VAZIRLIG'I
TOSHKENT VILOYATI SHIRSHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент—2007

ООО «Чирчикская городская типография» Зак. 1004-5000

Жонажон Ватаним Ўзбекистон
мустақиллигининг шонли 16 йиллигига
фурқаролик faxри билан бағишлайман.

«КўНГИЛ ФАСЛЛАРИ» ШЕЪРИЙ ТўПЛАМИ ХУСУСИДА

Шоирнинг шу вақтгача «Кимнинг орзуси тўзал?» (болалар учун); «Хур Ватаннинг хур бойчечаклари» (Мустақилликнинг биринчи йили туғилган болалар учун); «Озод Ватан кўнглилари» (1997); «Наврўзнома» (2005); «Диёримни куйлайман» (2007) шеърий тўпламлари нашр этилган. Энди у «Кўнгли фасллари» шеърий кўлёзма тўпламини тайёрлаб олиб келибди. Аввало шунинг эълотиб кўйиш жоизки, Холиқназар аслида меймор (архитектор). У кейинчалик мусаввир бўлиб ишлаш билан бирга мунтазам равишда шеърлар ёзиб келган. У ўзининг адабиётдан ажрала олмаслиги қисматини шундай ифодалайди:

Боларидай изғиб кезиб илму урфон тулзорида
Мен англадим, танлаб қайтдим Адабиёт кучонига.

Ижолкор рангин ҳаётни қизиқиб кузатишдан тўймайди. У оламга тўдак кўзи билан ошуфтоҳол боқишдан, кузатишдан чарчамайди. Ҳар қандай таъсир, ҳодиса-воқеаларни сингчовлик билан кузатиб, ўрганиб, ўз муносабат-фикрларини билдиради, шеърий туйғуларда ифодалайди. У «Шифокор-шоира» шеърисида:

Шифокор-шоира...
Не армонлар бор?
Муҳаббат илқиди кўнгли сўтлимниш...
Ёруғ тунлар наҳот қолдингиз бедор, —
Қаламдан дафтарга розлар тўқилмиш!..

Килилларнинг умрларини оқар дарёдай тез ўтиб кетаётганини шундай ифодалайди:

Пилта жамалаккина қиз
Бир айланиб қарасангиз,
Эртангириб ўнгилу қиз,
Умр дарёси оқмоқда!..

Адабиёт бор экан, ижодкорлик, шоирлик каби фаолиятлар манту яшайверди. Шоирнинг кўлимиздаги мазкур китоби ҳам ўзига хос услубу ифодаси билан, мавжланиб оқиб, адабиёт аталмиш улкан дарёга қўпилаётган ирмоққа ўхшайди. Табииники, ирмоғу дарёлар ҳам тоғ лойқа-пўртана, тоғ энгилдай тиниб оқадди. Инсон эса эҳтиёж зарурати билан уни истеймоғ қилиб баҳра олади, лойқа бўлса ҳам, тинган бўлса ҳам. Бинобарин, азиз китобхонлар энгил суварини ҳам, лойқасини ҳам тинитиб ичиб, баҳраманд бўлулар, деган умиддангиз.

Мухаррир А. Азимов
Мусаввир Х. Ҳолиқназар
Балиий муҳаррир Ҳ. Ҳудойбердиев
Техник муҳаррир Т. Смирнова
Мусаххих Ш. Нишонев
Саҳифаловчи Б. Ирисбоев

ISBN 978-9943-06-077-7

© Холиқназар Ҳолиқназаров,
© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2007 йил.

«Сени кутиб яшайман» шеърда бўйдок шонир севги-
ни барибир топишини юксак кўтаринки (оптимистик)
руҳда ифода этади:

Борлигини тапшонаман бу озои Дийримда,
Яшнаб турган равно гулдай Дийрим гулзорда.

Тапшиниб мен, Ҳоликназар, наслинги этай, дейман,
Бир кунни чин инсон бўлиб қадрини этай, дейман.

Баязи бир сохта муҳаббатларни кесатик тиги остига оли-
ди:

Мушкул экан бу муҳаббат мулиммоси,
Мани сарсон этмиш анинг муллоҳси.

«Икки қалдирғоч» шеърда шонир нотифоқ онга аъзо-
ларига нисбатан андуҳли фикрларини баён қилади:

Аҳил яшай олмасак баязимиз ахир
Ҳеч курса шу кушлардан ўргансак арзир.

«Вақтида» шеърда шонир инсонларни вафодан бўлишга
чақиради:

Садоқат-ла бахт тахтида ўрнини топпай ҳар мурад,
Иззат-эътибор қозониб, вафодорлик вақтида.

«Вафо бирда» шеърда:

Дўстлар барчамиз ҳам ёру дўста бўлаётлик вафодор,
Вафодорлар ҳаётда доимо бўлишдан бахтиёр.

«Анрен» шеърда садоқатнинг юксак намунаси асос-
ли, ишонарли, ҳавас қиларли даражада ўзининг том маъ-
нодаги ифодасини тошган:

Анреннинг бағрида «Облик» детан жойи бор.
Юратимни ўзи ила олиб кетган ойи бор.

Шунингдек, шонирнинг символизм, сарбаст, фалсафий-
сурреализмда ифодаланган «Зафарли йиллар» достони,
«Ўзининг кўраг», «Ойдай мўлтираб», «Бўйин боғла бу-
лут» каби кўпгина шеърлари чуқур фалсафий мушоҳада-
ларга бой. Сурреализмда ёзилган «Кўнгли фасллари»ни
ўқитганимизда ҳаётнинг азоб-машаққатлари, қарама-қар-
шилликлари табиий эканини тушуниб, сабр-тоқатли, бар-
дошчи, матонатли бўлишга ҳаркат қиламиз:

Инсон экан дунё бир дунё...
Кўнглида тоғ, уламон, жилга, сойи бор.
Кўнгли осмонига сочгувчи энё
Ишк аталган Кўёшу ҳам Ойи бор.

Баязан эса бирдан туриб шубҳа, ғам
Юракларга туман янглиғ чўқади.
Совуқ, аёз каби йўқлик, хўрлик ҳам
Кўнгли ботин гулларини тўқади.

Винобарин:

Инсон ҳам ўзича дунё бетақдор!..
Унинг ҳам кўнглида фасллар кечар.
Ҳар бир фасл бўлиб тўё санъаткор,
Кўнглини наққошдай безатиб кетар!..

Мана шундай шеърларни ўқиб кўнглимиз кўтарилади,
ишанишга, ишлашга умидимиз янада кучайиб, ғайратланиб
ишайверамиз. Шеърят, адабиёт шу фазилятлари билан
буюк-да. Буларсиз ҳаёт, инсоният ўз маъносини йўқотган
бўлур эди. Қолганини ўзингиз ўқиб билаверасиз, азиз ки-
тобхон.

Маҳкам Маҳмуд Андижоний,
филология фанлари номзоди,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Халқаро Аҳмад Яссавий
муофоти совриндори

АДАБИЁТ

Боларидай изғиб, кезиб илму урфон гулзорда,
Мен англадим, танлаб қайтдим Адабиёт кучоғига.

Ҳажрида ўртаниб, ёниб, жондан севиб ва соғиниб,
Мажнун бўлиб бул Лайлининг юрган эдим ҳуморида.

Не ортиқкиш ҳамда хоҳиш ила қувнаб, дардим сўзлаб,
Жуда яйраб, кўшиқ куйлаб, етай дейман дийдорига!..

Адабиёт барча фанлар тилмочидир, полшосидир,
Халқу давлат тобе унинг қудратли иқтидорига!

Адабиёт гулшанига шайдо кўнгли тўё булбул!..
Рухлар ёруғ, кўнгли тўлиқ унинг завқ-ифтихорига!..

Адабиёт — маданият, маънавият Куёшидир!
У — жаннаттоҳ!.. У мураббий! Жонлар фидо рухсорига!..

Адабиёт — Ватан ҳусни! Кўзингдай асрагин, Ҳолиқназар,
Тавоё айла, муносиб бўл туҳфа бўлган туморига...

5—7/02—05

ШИФОКОР-ШОИРАГА

Олима-шифокор...
не армонлар бор? —

Муҳаббат ишқида кўнгли сўтилишини!..
Ёруғ тунлар наҳот қолдингиз бедор? —
Қилмдан дафтарга розлар тўкилишини!..

Умрлар илм олишта бўлиб сафарбар,
Не севаги-шароблар ичимай қолди!..
Ўқиш билан машғул бўлиб ҳар сафар,
Муҳаббат жумбоғи ечимай қолди!..

Баҳоғат ёшида гулдай очилиб,
Муносиб вафодор топилимай қолди!..
Севаги-меҳр атрлари елга сочилиб,
Вафота сазовор топилимай қолди!..

Зиёга ташна шу доладай ёниб,
Ёр ишқида шерьлар ёзибсиз бирам!..
О, муҳаббат ахир шу қадар ғолиб,
Шоир қилиб кўймиш шифокорни ҳам!..

1996 йил.

УМР ДАРЁСИ ОҚМОҚДА!...

Ёшлик тўлқинлари ўтиб,
Қарилик тўлқинлари қувиб,
Инсон изларини ювиб,
Умр дарёси оқмоқда!..—

Пилта жамолаккина қиз,
Бир айланиб қарасангиз,
Эргаштириб ўғилу қиз, —
Умр дарёси оқмоқда!..

Не бир шунқору баркамол
Йитиларнинг қомати дол —
Бўлиб оппоқ соқолли чол,
Умр дарёси оқмоқда!..

Ҳилол кўзли не жононлар
Йиллар ўтиб, бўлиб хазонлар
Қалбида неча армонлар
Умр дарёси оқмоқда!..

Вақт мисли елдек бевафо,
Бошларга солиб фам, жафо,
Барчани айлаб бенаво,
Умр дарёси оқмоқда!..

Хушёр бўлайлик, одамлар,
Иноқ бўлайлик, одамлар,
Қувноб қолайлик, одамлар,
Умр дарёси оқмоқда!..

1984 йил.

АНДИЖОННИ АЛҚАЙМАН

(Устоз Маҳкамжон Маҳмуд Андижонийга)

Одам борки, одамларнинг нақшидир,
Одам борки, ҳайвон ундан яхшидир.
А.Навоий

Ёмондан Юрт шавъига тушар экан доғ,
Яхшидан Мамлакатнинг шуҳрати оштай.
Маҳкам Андижонийни ўйлаганим чоғ,
Андижонга минг қарра ҳурматим оштай.

Чин Инсонлар Ватани, азим Андижон!..
Бобурни улғайтирган бузруквор Дийр!..
Яхшиликлар қилишдан бағри фаровон,
Юракларда эрурсан буюк ифтихор!..

Эзгу иши — яхшилик қилиш ҳамиша!..
Буюк Бобуршуносу Навоийшунос!..
Азалий мураббий зот!..
Саховатпеша!..

Бошларга Кўёшдай устивор УСТОЗ!..

2007 йил.

ИНСОННИНГ БОЛАСИ ҚОЛМАСИН ЕТИМ

Етимлик кунларин ўйлаганимда
Жимирлаб кетади тамоми етим.
Шунинг-чун бўлмасин уруш, дунёда
Инсоннинг боласи қолмасин етим!

Сафирга менсимай қарамасин ҳеч,
Кўча-кўйда юрган қорни тўқ бебош.
Текканга тегиниб, тегмаганга ҳам
«Ана у етим» деб отмасин-да тош.

Совуқда қалтираб тортмасин азоб,
Ялангоёқ етим ёзу ҳам қишда.
Ўқишу ишқамас эрка болалар
Омадин қирқмасин ўқишу ишда.

Етим тақдирини етим билади,
Азобин тортмаган қаёқдан билсин.
Ота, оналилар айрасин, майли,
Лек етим йўлга тўсик бўлмасин.

Етим бечорани туя устида
Ҳам нетадир тез-тез итлар қопади.
«Елғизнинг ҳамроҳи Худо» дегандай,
Қилмишидан ҳар гал жазо топади.

Ҳеч уруш бўлмасин, ҳар ота, она,
Фарзанди бошига юришсин омон.
Бошқалардан туртки емасинлар ҳеч,
Болалари етим қолиб ногаҳон.

1959—1969 йиллар.

ЭСИЗ УМР!

Панжаларим орасидан яширинча боққан умр!..
Бармоқларимнинг қатидан суздай сизиб оққан умр!..
Нега келдинг? Нима қилдинг? — Билолмасдан қолдим,
Ой!..

Ҳаётимни бесамарликда хас каби ёққан умр!..

Дондулардан ҳаёт узра тарикдай сочилдинг ҳам!..
Муру тошлар ичра тоҳи гул каби очилдинг ҳам!..
Гул хунарининг амалга оширгани кўймаган
Боқиманда, кўролмаслардан куйдинг, ёқилдинг ҳам!..

Бу дунёда нима ишни ёлчиггани келдинг ўзинг?!
Гулларидан айрилган бол аридайин елдинг ўзинг!..
Меҳнатингнинг роҳатлари ўзингга насиб қилмади!..
Инсон эмас, сувдан кўтарган галвирдай бўлдинг ўзинг!..

Тўшунмасдан саробларга қалбгинанггни очдинг ҳам тоҳ!..
Ўзинг эга эмас Ерга ишқ донларинг сочдинг ҳам тоҳ!..
Яхшиликнинг ахшилик ололмасдан бу ҳаётдан,
Армон билан рўё томон бошинг олиб қочдинг ҳам тоҳ!..

Ишқда ёна-ёна наҳот шундай ўтсанг бутун умр?!
Ифтусларга аҳлингги ем эттирсанг эрксиз умр?! —
Ўнимдан-ку кўрмайсан-а, аммо гулдай хунарингнинг —
Қолиб кетишидан зор-зор қақшаб кетсанг эсиз умр!..

1989 йил.

МУҲАББАТ МУДДАОСИ

Кизик: кимдир севар, сен севмайсан уни!...
Гар сен севсанг, ўзга сева олмас сени.

Истайсан ҳар томони мукаммал ёрни,
Лекин ҳайҳот, ундайи дунёда борми?!

Умр-чи, ўтаверар ўртада сарсон...
Инсон эса илинжга илинара ҳамон!...

Баравар севилиш нахот шунча мушкул?!
Қарсақ чиқармайдиган ахир битта кўл?!

Мушкул экан бу муҳаббат муаммоси,
Сарсон этмиш мани анинг муддаоси!...

1979 йил.

БАХТ ИЗҲОРИ

Тақдиримни кўлингга топишмай нега?
Борлигимни нега этмайин ҳада?!
Зеро, севишим, раво эканман сента,
Нимага қувонмайин бахтлиман, — дея?!

1977 йил.

ИШОНЧ ИЗҲОРИ

Ўқсинма, кўзларингдан ҳеч тўкмагин ёш!
Ўзгалар-чун гарчи сен бўлсанг ҳам ёмон.
Таънао тухматларга бера олпин дош,
Эй, мен учун бекийс севимли жонон!

1977 йил.

МУШОҲАДА

Онгимда чакнади янги бир мавзу,
Юксақларга мени чорлади ҳаёл.
Қалбимда шафқатдай балқиган ҳис-туйғу
Ҳаётимга балким бахш этгай иқбол.

Яёв борарканман ҳорғин босиб йўл,
Ёнимдан визиллаб машинлар енгил
Тўхтамай ўтганда кўтарсам ҳам кўл,
Бир бошқача бўлиб кетаркан кўнгил!...

Ҳамманинг тагида енгил машина!..
Бойиб борар нахот ҳамма тобора?!
Мен-чи, ишқ пайига тушиб ҳамиша
Юрган эканман-да бўлиб овора!...

Ҳижолатга ботиб бораман йўлда,
Шу ёшимда яёв юрганним пайқаб.
Кетаётган бўлса ҳам «Волга» рулида,
Салом берар кимдир мента бош чайқаб —

Меҳнат ва камтарлик бахш этган камол!..
Шу йўл билан излар камолин яна.
Назимда бу, дўстлар, порлоқ истиқлол,
Этмоқда ҳозирдан ҳуснин тантанал!...

Биз эса мағруримиз бўлсак ҳам пиеда...
Пиеда юрибмиз ҳамон биз мағрур!..
Топсимиз шулар балким дунёда, —
Ўзимиз пиедаю, қалб тўла ғурур!...

1977 йил.

ВАҚТИДА

О, юратим бардошли бўл хору зорлик вақтида,
 йўлинг йўқотиб алашма бебарорлик вақтида.
 Ўт ёкса ҳам пишмагай вақти етмаса ҳар мева,
 Шошилиб иш қилма зинҳор кўнгил торлик вақтида.
 Айрилиқда инсон азиз, биргалиқда хору зор,
 Қадру қиммат билингайдир интизорлик вақтида.
 Салоқат-да бахт тахтида ўрнин топгай ҳар мурад,
 Иззат-эътибор қозониб вафодорлик вақтида.
 Эҳтиёт бўл эй, тўқлиқдан шўхлик чикар баъзида,
 Бахтинг пешво урма, зеро бахтиёрлик вақтида.
 Ҳолиқназар, билдингми, ёр дегани беқор экан,
 Эзгу ишинг қилиб қол қуч, қувват борлик вақтида.

1989 йил.

САВОЛ

Табиат кўйида неки бўлса бор,
 Ўз ўрнида бўлур бўлмаса тавсир.
 Эмин-эркин юрган ҳеч бир жонивор
 Эттиси келурми ўзини асир?!

Йиртқич юввош ила экан ёнма-ён,
 Ожизни этай дер доимо паймол.
 Ахир етмасин деб юввошта зиён
 Табиат унга ҳам берган-да қурол:

Биров бориб агар аста кўлини
 Тул узмоқчи бўлиб узатар экан,
 Ҳимоя қилмоқчи бўлиб тулини
 Кўлга кирса шунда айбдорми тикан?!

1970 йил.

ИККИ ЎТ, ИККИ ТУЛХАН АРО ЁНДИ БУ ЖОНИМ!..

Икки дилбар ошиқдир, бири — Ер, бири — Осмон,
 Қайсисини дейишни билолмасдан мен ҳайрон.
 Осмоннинг қалбида юлдуз, Ой, Кўёши бор
 Ернингнинг кўнглида дуру гавҳар, тоши бор.
 Осмоний-да севишиб осмонларга етсам-а?!..
 Ернинг-да топшсам, ерга кириб кетсам-а?! —
 Нековин орасида кўнглим қолди бўлиниб
 Эй Ҳудойим, йўл кўрсат, ёлворамак ўтиниб, —
 Ерни дейми, Осмонни? — чиқиб қолди сарсоним,
 Икки ўт, икки тулхан аро ёнди бу жоним!..
 Билолмадим ўзимни қандайин оламдирман,
 На Ерман, на Осмонман — қандайин оламдирман?!

Қай бирита етишни билолмай қолдим мутлақ,
 Ҳолиқназар Ер, Осмон аро қолдинг муаллақ!..

1968—1996 йиллар.

НОИЛА (Тўйбоп кўшиқ)

Ноилажон, Ноила,
Ўзинг моҳир шифокор.
Хизматингдан қувониб,
Ҳамма сендан миннатдор.

Ноилажон, Ноила,
Кўзларингдан ўрғилай!
Тўлин ойдай нур сочган
Юзларингдан ўрғилай!

Чевар, оппоқ бармоқлар
Жон бағишлар беморта!..
Хасталикдан тўзалиб,
Бемор кира дармонга! —

Ҳаётбахш кўларингдан
Ўрғилай Ноилажон!
Шамшоддай бўйларингдан
Ўрғилай Ноилажон!

Ноилажон, Ноила,
Ишларингдан ўрғилай!
Садафдай ярқираган
Тишларингдан ўрғилай!

Ноилажон, Ноила,
Бармоқлардан ўрғилай!
Лавл лаблардан ўрғилай!
Дудоқлардан ўрғилай!
Бол таплардан ўрғилай!
Ноилажон, Ноила!..
Ноилажон, Ноила!..

1996 йил.

Марҳабо!..

Марҳабожон, Марҳабо!
Сенга бўлдим маҳлиё!..
Қўлингни бер, этайин
Кўзларимга тўтиё!

Келгин менга бўлгин ёр,
Сенга бўлай вафодор.
Умр бўйи эъзозлаб,
Айлаин зап бахтиёр!..

Бўнча чиройли нозинг,
Ундан гўзал овозинг!..
Танамга жон бағишлар
Кўшиқларинг, дил розинг!..

Қобил, меҳнатсевар қиз,
Халқларвар, юртпарвар қиз.
Сени қандай севмайин,
Кўллари гул, чевар қиз!

Хаё, ибодил дилдор!..
Фаросатлино хушёр!..
Қандай бахтли бўлардим
Сенга бўлсам сазавор!..

06.08.07 йил.

ШИФТ ВА КИФТ

(Устоз шоир Мухаммад АЛИЕВ)

— Кўлдан келмаган ишни қилмаган маъқул.
Узатмаслик керак-да шу шифтга етмаса гар кўл.
Уринсам-да ҳар қанча ҳатто менинг ўзим ҳам
Улуғ ҳазрат Навоий бўлмоғим мушқул!

— Нета? Мақсад агар шу бўлса, — эришиш зарур:
Шифтга кўл етказиш бўлса ҳамки муаммо.
Яшаш шунга боелик бўлса, — етказиш зарур!
Бунинг учун оёқ тагига кўярмиз...дейлик...стул!

Энг қулайи: нарвон! Бўлмаса, — яшаш зарур!...
Шундай қилиб, иложини топиш зарур!
Шу шифтга кўл етказиш экан илк мақсад йўли,
Ундан ўтиши керак ўтмоғи зарур қарвон!

О, сахий Устоз, сўнг кўрсатмай эътироз,
Даст кўтардингиз-ку охири кифтга!
Ана: етаркан-ку кўл ахир шифтга!

Кифтма-кифт бўлиб етказдик коинотга ҳатто кўл,
Орзу-ташабусларни кўтариб доимо бошга.
Эзгу-ривож жарчисига қалб тилсими очса йўл,
Азиз Устоз, кўлларимиз етгай бир кун Кучешга!

1985 йил.

САДОҚАТ САТРИ

Ҳаёт орумизга етмаса бўйин,
Узилса севгимиз ипи бешафқат,
Ёдимизда ёниб шу кунлар ўйи,
Суратларга боқиб яшармиз фақат!...

1992 йил.

РАВНОГА

Суратингизни чизишни этгандим тақдиф,
Қувониб кўрсатгандингиз Сиз ҳам такаллуф!...

Аммо ёлғончи бўлиб қолдим олдингизда:
Насиба риптаси узилиб қолганди-да:

Муҳлат битган, кетишга чиққанди фармон.
Юратимда қолиб кетди аччиқ бир армон!...

Турумсиз лафзимдан ишқингиз чечакдай сўнди!...
Бирқ урган ишончингизга аёз-гард кўндил!...

Ахир тирикчилик дедим, бекунтлик қилдим...
Кейин алам ханжари-да баримни тилдим!...

Юрибман-да шунчаки, на тирик, на ўлик...
Пушаймон билан эзilib, хазондай сўлиб...

"Кеч бўлса ҳам яхши", деганидай халқ,
Энди бўлса ҳам чизардим тополосангиз вақт.

Рунча пайтингиз ўтиб, Сиз гарчанд ҳозир гул,
Лекин шу қомат!...

Шу кўзлар!... —
Шу гўзаллик буткул!...

Майли барча ишим қолсин, Сизни чизсам, бас!
Зора очилса туримсиз лафздан сўнган ҳавас...

Токи Сизни билсин, танисин жумла-жаҳон,
Гўзаллигингизни кўриб қувонсин инсон!...

1984 йил.

АНГРЕН

Ангрен деб эшитсам, яйраб кетар юратим:
Ангренда бошланди менинг севги-тилатим!

Эй Ангрен, оҳ Ангрен! Сента талпинар дилим:
Сенинг кўркам бағрингда яшар менинг севгилим!

Тош, тупроғинг, Ангрен, кўзимга суртгим келур.
Етиб ёрим васлига, меҳрига тўйгим келур.

Ёримнинг кўзи хумор, — шайдо этган ўзига.
Ширин сўзу вафодор, содиқ берган сўзига.

Ангреннинг бағрида «Облик» деган жойи бор
Юратимни ўзи-ла олиб кетган Ойи бор.

Оҳ, Ангрен! Жон Ангрен! Сента талпинар дилим:
Сенинг кўркам бағрингда яшар менинг севгилим!

1968 йил.

ЎЗИ ҚУЛАРКАНИ...

Дўстлар, Яратаннинг қудрати билан
Хаётда Адолат экан барқарор:

Яхшино ёмон вақт-соати билан
Тетишли улушин оларкан зинҳор:

Хар банди иштини Аршда кузатган —
Қодир чорасини кўриб тураркан:

Шунинг-чун ҳам бахил бировга қазган
Чуқурига доим ўзи қуларкан.

1991 йил.

ИККИ ҚАЛДИРҒОЧ

Уя қуришар шигла икки қалдиргоч!..
Баравар уринишиб, иноқ ва қувноқ!..

«Фарзандлар»га бош бўлиб «отаю она»,
Иккиси ҳам «рўзғор»га бирдай парвона!..

Шуларни кўраману, ўйлайман шундоқ:
«Хаётда ҳеч бир жонзот ўтмаскан-да тоқ!..»

Жуфт яшаш зарур экан ҳар кимга, демак,
Ўзини пеш қилишлик нимага керак?!

Аҳил яшай олмасак баъзимиз ахир
О, одамлар, шулардан ўргансак арзир!

1977—1978 йиллар.

САДОҚАТ ИЛТИЖОСИ

Эй Тангри, тоғеимда ато этдинг ёр,
Ва лекин унга яна дард бердинг шу он.

Ўзинг яратиб нега берасан озор,
Бугчилик ҳам банданга ютқизасан қон?!

Оҳ, қийналмоқда ёрим тўшақда бетоб!..
Яшнаб турган жамоли — сўниқ, заъфарон!..

Мен унинг ғамини еб тортаман азоб!..
Халоватим бузилиб, чаққандай илон!

Шифо бергин ёримга этиб сен шафқат,
Ёлбориб сизинаман сента эй Худо!

Унинг дардини мента бергину фақат...
Усиз мени асло ҳам қолдирма танҳо!..

1977 йил.

СЕНИ КУТИБ ЯШАЙМАН...

Борлигини ишонаман бу озода Диёрида!
Яшнаб турган раёно гулдай диёрим гулзориди!..

Зехнингни нурга чулгайсан илму одоб ўрганиб,
Ўз тенгингни кутмоқдасан ҳижронларда ўрганиб!..

Мен ҳам энди шўх ёшликнинг баҳридан кечмоқдаман,
Одам бўлиш йўларида изтироб чекоқдаман!..

Яккаликнинг ғам, кулфатларин гарчанд ютмоқдаман,
Лекин бахтли кун келишин ишониб кутмоқдаман!..

Хайлларга берилиб узок тунлар уйроқ ўтмоқдаман!..
Сени кутиб йитиб ёшимда бўйдоқ ўтмоқдаман!..

Соғина-соғина ойдай васлингга этай дейман,
Бир кунни чин инсон бўлиб қадринга этай дейман.

1992 йил.

* * *

Бировларнинг турмушин кўрсанг, ғайратланиб,
Уйланиш орузида қиласан хузур!
Бировларнинг турмушин кўрсанг, нафратланиб,
Шу бўйдоқлик кунингга қиласан шукур!..

1993 йил.

ОШИҚ ҚИЗГА

Салом Сизга, нотаниш қиз,
Мумкинми бир савол берсам:
Нега доим қизарасиз,
Ёнингиздан ўтабером?

Ийманиб ҳам уяласиз,
Мени кўриб қолиб ногоҳ.
На бир нима дедасиз,
Хуснингизни беэзаб ҳас?!..

Зимдан ташлаб дилкаш нитоҳ.
Ва тушасиз ҳажжонга.
Ҳаловатим бузиб, эвоҳ,
Ўт қалайсиз тану жонга!

Не ҳол кечар кўнглингизда?! —
Ҳеч яширмай айланг изҳор!
Холиқназар йўлингизга
Бутун умрин этай нисор!

1976 йил.

КУЗАТИШ

Дунёда нимаики яралар экан,
Пайло бўлар экан кушандаси ҳам.
Йўқ эди бир вақтлар ахир «таракан»,
Йиллар давомида бундай кузатсам,
Исроф қилинган турфа хил нонлар —
Ичра изтирдил шу озода жонлар!..

1996 йил.

БАХТ

Доймо бошингги силатим келар,
ўрғилиб,

ардоқлаб,

сийлаб,

авайлаб!..

Дайдиб юрган хатто ўтқинчи еллар
Пок ёноқларингга теккизмасин лаб!

Ўшатмайман сени ўзага бировга.

Дейман: иқболингга етмасин шикаст.

Сен учун жонимни кўйдим таровга...

Билсанг, севилганлик, — шунинг ўзи бахт!

1969 йил.

ЭҲ, ҚАНИЙДИ!

Ижодкорликда не бир улкан асарларнинг
Хатолари тузатилиб ёзилар қайтабошдан.

Эҳ, қанийди ёшлик даври келсаю қайтадан,
Киши яшаса ҳеч бир хато қилмасдан!..

ЎТИТ

Бошингга тушган экан шу тақдир,
Қалб, ўқсинма асло, сабр-тоқат қил!
Бу хатолик сенга буюк мактабдир,
Тушуниб ол энди, чин ибодат қил!

1969 йил.

МУҲАББАТ

Вужудимни куйдириб ёнади оҳим,
Елтизликнинг рамида ўртаниб кўнглим.
Ангчи қисматимга бўлиш-чун ҳоким,
Ўнимда олишади ҲАЁТ ва ЎЛИМ!

Ҳалос эдинг бу хавфдан сен келиб шу он.
Ҳаётимга бахш эдинг қувончу иқбол.
Эманга жонимни этайми қурбон,
Айт, саховати улғу, эй, соҳибжамол?!

Кўп яхши иш қилибсан ташириф буюриб,
Бу ёлғиз кўнимга бўлай деб ҳамдам!..
Сен келдинг кўнглимнинг губори ариб,
Шу синиққан руҳимга бўлдинг малҳам

Пардасин йиртиб ғам-зулмат фироқнинг
Ондай гўзал ҳуснингдан эдинг баҳраманд!
Вужудимни ёритиб севги чирогинг,
Юрагимни қалбингга этолдинг пайванд!

1977 йил.

ТОБОРА...

Умр дегани бу ўта бераркан...

Киш-қишга туташар, баҳор-баҳорга.

Оламда ҳеч нарсаякка қолмаскан:

Чанг-чангга кўшилигай, губор-губорга.

Гард гарда кўшилиб бўлгай сайёра,

Шу хилда кентайр дунё тобора...

МЕН ВАФОНГИЗ КҮЙЛАБ ЯШАЙ

I

— «Шеврингизни ўқиб газетда бир-икки бор,
Кейинги сонларин кутар бўлдим интизор!

Шеър нима? — сўрасам, жоиз бўлса, бир савол,
Мен учун ҳам шеър ёзинг-чи, келмаса малол».

II

— Кўнтил чаманида қалб, бу — эркин бир бўлбул,
Ҳаёт ишқи билан ёниб куйлар у нукул!

Омонлик ва меҳнатдан унтайдир бахт тули,
Шеър шунини малҳ айлаган кўнглининг маҳсули! —

Ҳар инсон қалбини ишқ сари чорлаб турар
Ва шу йўлда у маёқ бўлиб порлаб турар.

Меҳнат қилишда шеър бахш этади руҳ, ёлқин,
Дунёни танитар шарҳлаб ва қилиб талқин.

У билан чекинар ҳар бир азову кулфат,
Ҳам ихлосманд қалбларга у ширинсўз улфат.

У ҳаётдан олинган ҳис, идрок баёни.
Асло бўлмас унинг таърифининг поёни.

Муаммоларни ечишда у буюк нажот,
Машаққат — довондан ошишда толмас қанот!

Тарғиб-ташвиқот ишларида буюк аштор,
Эзгу истиқболга чорловчи мангу шиор.

Ёмон йўлга киришидан асраб у мулоом
Фақат яхшиликка бошлар ҳар қимни тамом!

У таърифат тилмочи, таърифи беқийс... —
Яхши, ёмонликни ёритувчи бир Кувейл...

III

Садокат бирла роз айлаб чин қалбдан жушиб,
Сиз учун ҳам ёза арзир қанча шеър, кўшиқ!

«Мен учун ҳам шеър ёзинг», — деб қилиб иттимос,
Сизни тушунганимни билмоқчисиз, холос.

Тушунманмэн Сизни эй, қадри, беғумон,
Сиз ахир ўзингизга хос турфа бир Инсон.

Ҳаётингизда ҳали ҳеч сўнмаган баҳор,
Қалбингизда ширин ҳис-туйғуларингиз бор!

Севиб, севилиш ишқиди ёниб бахтиёр,
Бўлай дейсиз муносибга садақатли ёр...

Албатта: инсон энг қодир олий мавжудот,
Лекин ҳар гал ҳам ушлагмай орузси, ҳайхот!

Теран ақлу идрок билан ўзлгингиз англаб,
Шундан сўнг топиши мумкин тенгини танлаб.

«Эшик олди сувининг қадри йўқ», — дейди нақл.
Бунини чуқур таҳлил қилиб англамас тоҳ ақл:

Ёилати содиққа қилмай киши эътибор,
Тоҳи ҳавойилликда учиб юрар беқарор! —

Юлдузга мафтун бўлиб узатган билан қўл,
Қисқа умр етмоққа ҳеч кўймагайдир йўл!

Тоҳ ҳавойи дунёларни беқарор кезиб,
Қимми қайтар экан умрин беқор ўлказиб,

Шунда кўним топиб олдий Ерда, ниҳоят,
Англаркан у: афзал шу олдий фаолпай!

Ижод ҳам мураккабликдан бошланиб ҳар гал,
Таажжубим, оддийликка келиб бўлур ҳал!

Демак, шу оддийлик гўзалликлар беқисс!
Шундай яшаш ҳар бир жонга роҳат эрур, роси!

Энди Сиз ҳам билмоқ бўлсангиз мени зора,
Ишқингизда ёнган қалбим очай ошкора:

Сиз қалб боғимда очилсангиз бир гул бўлиб,
Мен вафонтини куйлаб яшай бўлбун бўлиб!

1983 йил.

КИМЛАР КИМЛАРГА ХОР, КИМЛАР ЭСА УЛАРГА ЗОР...

Улғайдик ҳаётнинг гул қучоғида,
Қалбларимиз бўлиб ҳамоҳанг, пайванд.
Ҳис-туйғуларга бой ёшлик чоғида,
Ишқ-меҳринг этгани ҳаёлимни банд...

Сен бу кун кимгадир бўлгандирсан хор,
Мен эса қайларда дийдорингга зор!...

Узоққа етмади бу бахтли дамлар,
Йўлимиз айрилиб кетдик йироққа.
Бошимизга тақдир солди ситамлар,
Ҳасрат, армон билан қолдик фироқда!...

Мен бу кун бировга бўлиб қолдим хор,
Сен эса қайларда дийдорингга зор!...

Биламан: ҳали ҳам туриб аҳингда,
Илк севаги дардида куарсан пинҳон.
Эришмай биринчи севаги бахтига,
Ўқсиниб, ўқсиниб йиғларсан пинҳон!...

Бу кун сен кимгадир бўлгандирсан хор,
Мен эса қайларда дийдорингга зор!...

Билмаган эканмиз ёшлик қилиб, оҳ...
Иккимиз қанчалар эдик муносиб!..
Тақдир жазолади бизни бетуноҳ,
Бир-бирларимиздан этиб бенасиб!...

Бу кун биз қайларда ўзгаларга хор,
Дийдорларимизга бир-биримиз зор!...

Сенингданлар нега доим қўшилмас?
Ўғиниб сўрайман сендан эй, ҳаёт?
Инсон аҳли нега тўлиқ ушалмас?
Нега доим шундай бўлади, ҳайхот!...

Ана шундай бўлдиқ биз ўзгаларга хор!..
Дийдорларимизга иккимиз ҳам зор!...

1972 йил.

МАВЖУДОТ

Табиату коинотда ҳар бир мавжудот
Жуфт-жуфт бўлиб кечирад ҳаёт.

Дунё шундай тузилмаса эди, ёҳуд
Унда ҳеч бир жонзот бўлмасди мавжуд.

Шунинг-чун бу оламда нафақат инсон,
Фикат жуфти ила яшай олтай ҳар бир жон.

Кун кўролмас ҳеч бир кимса якка-ёлғиз,
Бу дунёда чанги чиқмай кетмай изсиз.

Қолар табиат ҚОНУНИ шудир, — қатъий
Шу ҚОНУН-да қилур доимо тараққий.

Микроскопда кўзларга зўра кўринган
Амёба ҳам жуфти биландир яшовчан.

Бу оламда жуфти билан ивиринар
Пашша, чивин, бари курту кумурсқалар.

Ҳатто тошлар—ферузами, дуру тавҳар...
Оила-оила бўлишиб ривожланишар.

Ўт, гиёҳу дарактлару ҳар жонивор
«Оилаги» бўлиб яшай олур зинҳор.

Оилалардан иборат бутун олам,
Сон-саноксиз кетган галактикалар ҳам.

* * *

Мисол: галактикаимизни мамлакатимиз десак биз,
Биздаги бир оилага ўхшар Куёш тизимимиз.

Бу «оила» бошликлари: Куёш—ота, Ой—онадир
«Оила»га Кундуз Куёш, тунлари Ой парвонадир.

* * *

Бунда она-Еримизу қолган барча сайёралар
Шу оила аъзолари — фарзандлари ҳисобланар.

«Оила»нинг аъзолари жами бўлиб ўн бир нафар,
«Турмуш» муаммоларига барчаларидир жавобгар. —

Ўз орбита—йўлларида кетмаслик учун оғишиб,
Оҳанраболари билан юришадилар торттишиб.

Сокин айланиб юришар Куёшлари атрофида.
Ўз вазифаларин ўтаб, унинг буюк паноҳида.

2003 йил.

ИШОНЧ

Тиз чўкиб ялиниб қарз олган кимса
Қарзини бермасдан қутдириб юрсал..
Бировга нарантгани қолдириб кетсанг,
Қачон кўйтандинг? — деб тан олмай турсал..

Шу каби одамшакл касаларга ахир
Қандай қилиб яна ишонсин одам?!
Бўларминкан бир кун одамзот аҳли?!
Тинч турсаки бундай аҳволда олам?!

Ишонч ширин жондай узлиб тандан,
Гўрдай бўш жасадни ташлаб кетмоқда!..
Алгичли тақдирни айлаб пароканда,
Кўнглиларни тирнаб, ташлаб кетмоқда!..

Ишонч! Кетма, Сенсиз нима бўлаемиз?!
Куёшдай васлингдан бенасиб этма!
Ҳаётда мангу қол, сенсиз ўлаемиз!
Қуруқ жасадларни қолдириб кетма!

Бу ёруғ оламнинг энг гўзал фасли —
Кўнгулни баҳордай яшнатган Ишонч!..
Ҳеч дариг тутмагин фаришта васлинг!..
Қалбларни дафъатан айлама хазон!

Сен инсон қалбларин боғлаб турувчи,
Дунё торттиш кучи қалар улурсан!..
Ҳар кимни яшашта чорлаб турувчи,
Гўё зулмат аро порлаган нурсан!..

Муҳаббат ҳам сента суянар ҳар дам,
Инсоннинг сенингсиз ҳеч кераги йўқ!
Ҳар билою, ҳар қазою, йўқчиликда ҳам
Сен бўлсанг, бўлғайдир инсон кўнгли тўқ!..

Тарк этма инсоннинг кўнглини абас,
Сенсиз инсон асло яшолмас, ИШОНЧ!
Кетмагин! Шошмай тур! Агар кетсанг, бас:
Шу кунни келгайдир охираг замон!

1996 йил.

КЕЛ, ТАНЛАГАН ГҮЛИМ МЕНИНГ!

Эзгу дунёлар бағрига эзгу сафар айлادим мен,
Унинг гўзал кучоғидан кўнглимга гул танладим мен.
Кел, танлаган гулим менинг, бирга олиб кетай, келгин!
Жуда олис йўлим менинг, ўзинг менга ҳамроҳ бўлгин!

Бунда дарё, уммонлар кўп, бирга сузиб ўтайлик, кел!
Деворлару тўсиқлар кўп, ошиб-ошиб ўтайлик, кел!
Тошларини қоялар кўп, бир-бир бошиб ўтайлик, кел!
Чўлларини, саҳролар кўп, сувдай сизиб ўтайлик, кел!
Янтоқлару тиконлар кўп, бир амаллаб ўтайлик, кел!
Чаёнлару илонлар кўп, барин четлаб ўтайлик кел!
Измизга девлар тушса, игна сочиб кетайлик, кел!
Зора тикан бўлиб унсал.. Биз-чи, қочиб кетайлик, кел!

Тароқ ташлаб кетайлик биз, ўтиб бўлмас ўрмон бўлсин!
Ойна ташлаб кетайлик биз, сузиб бўлмас уммон бўлсин!
Кел, танлаган гулим менинг биргалашиб кетайлик, кел!
Холиқназар сенар сени, муродларга етайлик, кел!

1999 йил.

КИШИЛАР

Қорни тўқ, усти бут, юз бўлса иши,
Жонини авайлаб яшаркан киши.

Иши юришмаган овора инсон
Ўлишга баҳона изларкан ҳар он.

2007 йил.

ОҚ ХАЛАТЛИ ФАРИШТАЛАР

*Қишқадарё вилоят, Деҳқонобод туман марказий касалхона
ни бош табиб муровини, мурдобий, сахий шифокор Абдумалик
Домитикуровга чексиз эътиқод билан бағишлайман.*

Ошпоқ-ошпоқ оқ халатлар!
Ошпоқ руҳмисиз ё матак?!
Нега Сизларни кўрса тар,
Бунча қувонади юрак?!

Ошпоқ нурга ташпингандай
Парвона бўлган капалак,
Бунчалик ҳам ҳажжонга
Тушар Сизни кўрса юрак!..

Ошпоқ-ошпоқ оқ гулларга
Шайдо бўлгандай булбуллар,
Нега Сизларни кўрса тар
Йираб кетади кўнглилар!..

Сиз кўнглилар осмонининг
Ҳаётбахш фаришталари!..
Инсонларнинг юрагига
Тулашган жон ришталари!..

Юрасиз оқ халатларда,
Капалакдай енгил-енгил!..
Шифобахш кўлингиздан
Шифо топиб яйрар кўнгли!

Сиз соғ бўлинг халқ бошига,
Оқ халатли фаришталар!
Бўлмасангиз, кўрсатмасин,
Ўзилгайдир жон ришталар.

1998 йил.

ЧАКІРІК

Мутафаккир тарихининг ҳеч кетайми юрагидан
Конли жантларда кечган инсоннинг машаққати?!

Энди кудратли Ватаннинг Чотқолдай кўрагида
Озолиқ нури чарақлаб таратмоқда кудратин:

Бугун ана шу кудратнинг узункул кучи билан
Коинотта етиб кўрдиқ унинг юриш-туришини.
Ва бизнинг лочин оғалар инсонлик бури билан
Ғамхўрлик қилиб кузатди унинг юрак уришини!

Билирларки, оғир экан бечора, инфаркт билан!
Хавф-хатар солиб кўнглига ҳарбий тараққиёт!
Ер бу хавфдан қийналмоқда келтирилган факт билан,
Азиз жаҳондошлар, Она кўлмоқда бизлардан нажот!

1986 йил.

КИМГА ХАЁТ-МАМОТИМИЗНИ БАҒИШЛАЙЛИК БИЗ?!

Кўзлари юлдузлар қасн кетишган?
Доларант юзлар қасн кетишган?
Қасн кетишган тишлари дурлар?
Қасн кетишган жилваланган нурлар?

Чиройли ноз-карашма, ҳаёлар қани?!
Юракни эритувчи ибодлар қани?!
Нахот қолдик комидан тамаки буржуситан
Минг бир қалла кийтан эски қалпоқдай

Бехаё, безобет хунасалар орасида?
Ахлатхонада уймааланган чивинлар —
Орасида қолган каби болари?
Кани у гузал сифатлар?

У дилкаш хислатлар қани?!

Қани бизнинг гўзал қондошлар?!

Бизнинг жондошларимиз қани?!

Қани у қошлари ҳилоллар?!

Лафзи ҳалоллар қани?!

Қани у тилиари боллар?!

Салокатта вафодорлар қани?!

Қани у лафзи ҳалоллар?!

Кимга хавас килиб кўнгли кўяйлик?
Кимни оқ ювиб, оқ тарайлик бизлар?
Кай вафодор кўнита жон борича ярайлик?
Ўлиб-тиригиб кимни деб ишлаб,
кимни деб яшайлик?
Кимнинг жонига бизлар оро кирайлик?
Кимнинг мамотимизни кимга биз бағишлайлик?
Хайт-мамотимизни кимга биз бағишлайлик?

1978 йил.

ЖОНИМІ...

Кул масинингиз ишкита бўлибман тирифтор, жоним!...
Миллол олмадангиз севгимни этай изҳор, жоним!...
Фариқат Сизда бўлиб қолди ўй-у ҳаётларим, оҳ!...
Розин бўлсангиз Сизга этайин жон нисор, жоним!...

Гул қўлингизни тилайман кўзларимга суртгали,
Тиланим шу: мухаббатимни этманг инкор, жоним!

Пасланигзга парванадек ташпини куйиб ўлмай,
Насибан дийдорингизга айламанг зор, жоним!...

Қабул айланг бир хокисор фидойингиз ишқини,
Сизга доимо садоқатли бўлайин ёр, жоним!..

Фариб кўнглим осмон айлаб ҳаётбахш қуёши бўнг,
Токи мен ҳам Сиз ила этайин ифтихор, жоним!..

Қарамлиқнинг қишанларин узиб озод бўлдиқ-ку!..
Озод дисримизда яшайлик бахтиёр, жоним!..

Сиз учун ишлаб, Сиз учун яшай дер Холиқназар,
Агар Сиз ҳам доимо бўлсангиз вафодор, жоним!..

1993 йил.

ҚАНИЙДИ!

Ёшлиқда рашк ила бағрингнги тилдим,
Ўғиниб сўрайман: кечир муҳаббат.

Бир рашқчига учраб мен ҳам сўнг билдим —
Нима қилай, ёшлиқ шу экан фақат...

Ёшлиқ бу гўё бир ёввойи ниҳол,
Етилиб пишмаган мева экан гўр.

Фақатгина турган-битгани завод,
Ўрта ёшлиқ пишган мева каби зўр.

Фақат севги, рашқдан иборат олов,
Тунд ёшлиқ бадарга этилди бебош —
Ўрта ёш йўлига бўлгим келмас ров,
Қанийди ҳамиша турсайди шу ёш!..

1993 йил.

ҚАЛҚОН ВА НАЙЗА

Тегингиларга тегиниб, тегмаганга тош отган,
Қимсаларга этар эрдим кўксим қалқон, кўлим тўқмоқ.
Уриб кўзини кўкартган, ёки бурнини қонатган,
Бўлиб юрар эрдим ёшлигимда шундай бир «ахмоқ».

Шунда адолатнинг қозиси бу жанжални тўри ҳал —
Қилгандай бўлиб қоралаб мента берарди жазолар.
Ҳеч кими йўқ, ёлғиз-етим бўлганим-чун ҳар маҳал
Айб мента тўнкалиб, бошимга ёғиларди балолар.

Қарасам бундай йўл билан бул ҳаётда яшаш гумон,
Қозининг ҳукми мента қилар эди кўп алам.

Ёмонликка кўксим эмас энди қорғоз бўлди «қалқон»,
Энди тўқмоқ кўлимда ўйнаган «найза» бўлди қалам!

1989 йил.

...ЁКИ...

Э, Худо, нимага мен
кунларнинг тез

ўтишини истайман?!
Нимага ойларнинг тез

ўтишини истайман?!
Йилларнинг тез

ўтишини истайман?! —
Умр бедовини

бунча қистайман?!
Шошилаётган эканманми ё...
қандайдир бир...

келажакка етишга?
Ёки бахил дунёдан
тезроқ ўтиб кетишга!..

1978 йил.

МАЙ ПИЁЛАСИ

Бу дунёда
бўлдим негатай
уч азобнинг
овораси:
ғам йиғлатди,
ишқ ёндирди,
ижод бўлди
фаввораси!

Яшай десам
мақоним йўқ!
Ёйишта
ошу ноним йўқ!
Шу кунимга
қандай бўлдим
ишқ дардининг
мутоғласи?!

Ҳар замоннинг
булар экан
шоҳу гадо
ҳам машраб!..
Билмам недан
экан маним
бу шўр жисмим
зуволаси?!..

Кезиб Ватан
боғларини
чўқдим не бир
хаёлларга:
Ватан учун
жон берганлар
қониландир
гул-лоласи!

Ҳаёт—жаннат!..
Баъзан — дўзах!..
Ризқинг — асал!
Гоҳи — захар!
дунё, бу бир...
шундай экан!..
—
Яхши, ёмон!..
Чин, ёлгон!..
Эҳ!..
Қалбда-чи, ишқ
шарораси!..

Инсон ҳам бир...
дунё экан!..
эзгу-орзу
Куёш экан!
Ғам, бу — булут,
кўз-ёш — ёмғир!
Ишқ юракнинг
шалоғласи!

Наҳот мағлуб
бўлмиш Раҳмон?!
Наҳот ролиб
чикмиш шайтон?!
Ҳамон хорку

мискин инсон?!
Кани Хуло?!
Кани Раҳмон?!
Наҳот шундай
ўтар замон,
чалиб эски
ноғорасин?!
Дом бою

камбағаллик!..
Бирдай жонлар
овораси!..
39

Ҳаёт
наҳот
ҳеч ташламас
ўша эски
тоғорасин?!

Бу оламда
фақат Умар
Ҳайём куйиб
ўтди дема,
Ҳолназар, кел, кўй,
қайғурмагин,
ол кўлингта
май пийласин!..

1989 йил.

КўНГИЛ ФАСЛЛАРИ

Инсон экан дунё ичра бир дунё,
Кўнглида тоғ, уммон, жилға сойи бор.
Кўнгли осмонига сочувчи эиё,
Ишқ аталган Кўёшу ҳам Ойи бор.

Уйқусидан турганданок тонг-сахар
Қалб кўёши балқиб кўннин ёритар.
Кўёш боттач Ой ҳам чиқиб ҳар сафар,
Шўъла сочиб кўнгли тунин ёритар.

Баян эса бирдан туриб шубҳа, ғам
Юратига туман янглиғ чўққиди.
Совуқ, аёз янглиғ йўқлик, ҳўрлик ҳам
Кўнгли боғин гулларини тўқиди.

Гоҳида кўнглида бошланади ёз,
Вужудни иситар оташ тафтида.

Уммон қозонида пишириб шаввоз,
Ёр неъматларини тутар кафтида!..

Гоҳ инар кўнглига кузги бир ҳолат,
Менаси тутатган боғдай хувилаб.
Кучоғин тарқ этиб ёзги тароват,
Бўм-бўш қоғар кўнгли мунгли увуллаб!.. —

Фасллар кечар кўнглида бирма бир,
Гоҳи қуришар қайғу, — қаҳри қаттиқ қиш.
Совуқ, аёзиди қотдириб дир-дир,
Бошларга бир муддат орғтирар ташвиш.

Сўнг яна бошланар кўнглида баҳор!..
Гулга қириар кўнгли боғлари қийғос!..
Қалб осмони бўлтай нечоғ беғубор!..
Умид порлай бошлар гўёки Кўёш!..

Инсон ҳам ўзича дунё бетақдор...
Унинг ҳам кўнглида фасллар кечар.
Ҳар бир фасл бўлиб гўё санъаткор,
Кўнглини наққошдай безатиб кетар!..

2003 йил.

АЖАБ ДУНЁ

Сен ҳам ёлғиз эмас, ўртанма юрак,
Виртасан-ку ахир севгилинг билан.
Бир-бирингга бўлиб мадақкор, тиргак,
Вўлмоқдасан яхлит, мустақил олам, —
Ўзингга хос бўлган ажиб бир дунё...
Борлиққа эзгунидан сочувчи эиё.

1997 йил.

БУЮКЛИК

Ёр-ку бир кифт қанот, лекин учинида
Муносибин топиш буюк муаммо.
«Муносиб» деганда, дўстлар, турмушда
Чиройлини айтиш эмас мулдаом.

Чиройли шайини ургим йўқ паста,
Улардан не гина, кўймай ҳолига,
Бировлар пашадайд ёпишса қастдан,
Ҳаромдан учиб, тоҳ кўниб ҳалолга!

Пок яшаса киши ўз тенгин танлаб,
Ёруғ юзла этиб турмушин зиёда.
О, дўстлар, ҳаётида ўзлигин англаб,
Яшай олган буюк экан дунёда!

1977 йил.

УЧ ЮЛДУЗ

Ишқ аро жон ҳалак, мажруҳ ва бестоб...
Толе азми эрур қилмоқ ибодат.
Ҳар мушкул-тилсимнинг қалити — китоб.
Ечимлардан бунёд бўлғай саодат.

Мутолаа тинади кечгача аранг,
Ўрнини оқшомга топишарар қундуз.
Хонтахта устида қолган осмон ранг
Мукова хуснида порлар уч юлдуз.

Ижод осмонининг қаҳқашонида
Шеърят ўтида ёнганча содиқ
Тилсимларни ечиш аҳд-азобиди
Порлар ўроз Ҳайдар, Баҳром, Аъзам Обид.

2005 йил.

ПОЙТАХТ КУЁВИ

Мен қишлоққа пойтахтга
Ўқинишга келган эдим.

Ўқинимни битириб
Бағрида қолган эдим.

Пойтахтда ишим яхши,
Ўз касбим устасиман.

Ҳамда пойтахтимнинг мен
Бир қизин ҳушториман.

Пойтахтимнинг гўзали
Бахтимга бўлди насиб.

Эли мен пойтахтимга
Куёв бўлгум муносиб!
Тошқиндир, жон пойтахтим,
Бағрингда қулғай бахтим!

1965 йил

О-О, ҚЎШИҚ!

Оюл Ватаним тулган о-о, қўшиқ!...
Унинг куйи булбулган о-о, қўшиқ!...
Диримга бўлган меҳрим баён, —
Қулар қўшимнинг нурган о-о, қўшиқ!

Сенинг билан Ватан таштл ва обод,
Қўнғилларда тошар ғайрату сабот...
Сеҳру закинг билан қўнғил дом шод,
Юракларинг сурурган о-о, қўшиқ!

2007 йил.

«ТОШҚАНД КИШИ»

Фалақдан ундай эланиб
ёғар сўлим Тошқанд қори!
Оптоқ рўмошта ўраниб
Яшнар пойтахт рухсори!

Гўё ёз осмони янглиғ
Осмон — кў-ў-ўм-кўк!
Портлар Куёш!
(Қор ила нур жилвасидан
Киприқларда дурдай кўз ёш!)

Оптоқ қалин қор остида
Тому тошу тул, дарахтлар
ўрашгандай фиким рўмол,
Кўринишар зап фараҳбахш!

Ташқарида Тошқанд киши
Қилса ҳамки аёзу муз,
Деразадан помидорлар
Қизил хуснин айлар кўз-кўз!

2006 йил.

... БАС!

Мана, бутун бақкиб орзулар тонти,
Висол оқшомида айраб, яшнар бахт!
Толеда жаранглаб муҳаббат бонти,
Насиб бўлмиш энди рўзғор номли тахт!...

«Эр-хотин — кўш хўжиз», — дейилган билан
Ёрни кўшта кўшиш инсофдан эмас.
«Кўш хўжиз» бўлиб ер ҳайдамасак ҳам,
Турмуш аравасин иноқ тортсак бас!...

1992 йил.

ЧИН ЭКАН

Ун учинчи февралнинг қорли ойдин оқшоми...
Жамолнинг эслатди осмондаги тўлган ой.
Таваллуд қунигини қўлаб, қўлга олдим май жомин,
Вунга юксак бўлсанг сента қандай етай ойчирой?!

Кетдик ушлаганингда ошар эди ишончим,
Таранга сенинг кўз очиб кўрганнинг экан маккор.
Сен билан яшар эдим ҳеч тугамай қувончим,
Қунигинга ўлгунимча тўймай бўлиб вафодор.

«Жаҳлим сирмайдин», деган хаёларга бординг-да,
Мақамроқ ушламадинг юратимга қўл солиб.
Мен ҳам семайсан, — дея сента кўнглим ёрдим-да,
Муҳаббатнинг арқонин узиб кетдим бош олиб.

Сондан сўнг бошқани ҳеч сева олмадим асло...
Ифрит, ибo, ҳаётини ҳеч қимда кўролмадим.
Кўнгли дегани экан таслим бўлмас бир бало...
Унга бўйин эттишдан бошқа йўл тополмадим...

Бу кун қўлаб табарруж ЭЛИК ЕТИ ёшингни,
Қисматикининг макридан чекканимча изтироб,
Ким экан деб ўйлайман оқиздириб ёшингни,
Номусингни ўтрилаб, ташлаб кетган итсуроё?!

Қуноб бўлиб кетасан ҳаёт қилмишларига,
Қувончини учратмас солиқларга Худойим.
Нисбини керак экан доно халқнинг гапига:
Нг елиши чин экан ширин қовунни доим.

1999 йил.

УСТОЗИМ

Сиз ҳаётни ўратасиз олажон,
Танитасиз рангин дунё ранглирин.
Юратимга солар завқу ҳажжон,
Берган илму касбингиз оҳанглари.

Бошта меҳр нурин сочган Устозим,
Кўзларимни мошдай очган Устозим.

Меҳр нурингиздан олган зиё-ла
Толимини равшан этиб юраман.
Мошдай очилган кўзим-ла дунёга
Сабоғингиз нурин сочиб юраман.

Бошта меҳр нурин сочган Устозим,
Кўзларимни мошдай очган Устозим.

Кўнгли жомига қуясиз дид билан
Ота-онам билмас эзгулик розин.
Шунинг учун дейман ифтихор ила:
Ота-онамдай азизсиз, Устозим.

Бошта меҳр нурин сочган Устозим,
Кўзларимни мошдай очган Устозим.

2007 йил.

ХУДО ЯРЛАҚАГАН ДИЁР ЁХУД ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАКЛАРИ

Ўтмайдинган кун бўлурми,
Ўқди-кетди эски йил ҳам...
Меҳнаткашта бахт келтириб,
Линтасани этиб бебахт,
Омалдини айлаб хурсанд,
Омдасизни этиб мулзам.
Билди ишнинг битишига
парво қилмай ўтди шум вақт...

Ахир инсон ҳайвон эмас,
Машғул бўлса ўтлаш билан.
Инсонга хос ишлар қилай, —
деб уринар куйдириб жон.
Риножиёт бўлур ахир
фикрлашу ўйлаш билан,
Зотан эзу яхшиликдан
жанинат бўлтай дўзах жаҳон!...

Меҳнатчанлик, шижоатлар
беҳуда кетмағай асло...
Шунинг исботи эмасми
бу кунги зўр ривожият?!
О-о, банди-я, ҳеч бўлмагин
ношукрликка мубтало, —
Длангоч ибтидоликдан
Қандай сайқаллани ҳаёт!...

Инсонларнинг ҳаётидан
бирдам топсин ёмон одат.
Сақонатли куёш янглиғ
порлаб турсин пок юраклар.
Самимий эътиқод билан
Қолурга айлаб тиловат,
дуо қилайлик бандалар,
ўнлабсин ушбу тилаклар:

Ҳеч бир халқ Ироқ халқидай
дунёда бўлмасин афтор!
Саддам Ҳусайн қисмати
тушмасин мард шоҳ бошита.
Ўз халқи, Ватанидан
айрилиб бўлмасин хор-зор,
Ҳибсларда азобланиб
Фарқ бўлмасин кўз-ёшига!

Тармағир, зўравон шоҳлар
килиб жабр-зулум, гуноҳ,
туфону ёнғин, селлардан
Ватани бўлмасин яксон.
Мамлакатини халқидан
айрилмасдан ҳар одил шоҳ,
Адолату тинчлик ичра
даврин сурсин соғу омон.

«Рости-расти» байроғини
Ватан узра ҳилпиратган,
халқлар билан мулоқоту
ҳамкорликда устиворим,
Санқиб юрган ёвуз феълли
ғанимларини қийратган,
Даврин сурсин Ҳудо ярлакатан
Жон Ўзбекистоним!

2006 йил, декабр

ВАТАНЛАРНИ ЯШНАТАЙЛИК АҲЛИ ЖАҲОН!

Қолдир ярда қолди битди тутқун кунлар!
Жабр-зулум ҳазон янглиғ тўзди ҳар ён!
Ўз бошларини ейишди оқ қузғунлар!
Шуёғ, энди сувар бўлдиқ эркин даврон!

Шум монополиячилар барҳам топди! —
Ёр юзига таралди хуш овозлар!...
Марказий Осиё халқларин бахти чопди!
Тўрт ёнидан ланг очилди дарвозалар!

Дунё белига боғлади зар камарин,
Аним Илак йўлига тушди қарвони.
Ҳамкорлик сари бошлади ўз сафарин,
Ўзбекистоннинг ҳам доно, мард Сарбони.

Энди ҳар бир муаммони қурол эмас,
Тўл билан ҳал этишга етишди фурсат.
Бир замонлар дунё халқи қилган ҳавас,
Нимонининг ТИЛИ, ана кучинг кўрсат!

Муомала-муросали инсонларга
Ўзбекистон кўёш янглиғ меҳрин сочтай.
Ғаибиркорлик, ҳамкорликдай давронларга
Чаминдордай яшнаб турган бардин очтай!

Инвестицияларга қўлиб ҳурматимиз,
Зотан ресурсларнинг қони Ўзбекистон.
Душман, ҳамкорликдан олиб қудратимиз,
Нативларни яшнатайлик, аҳли жаҳон!

2007 йил.

ПОЙТАҲТЛИК ҚИЗ

Тошкандилимининг эй хур қизи,
Меҳнатсевар, жасур қизи.
Озод, обод пойтахтимнинг
Жаҳон ичра машҳур қизи.

Ибо, ҳаёю иффагли,
Қоши ҳилол,
лафзи ҳалол,
Қадру қимматли, ҳурматли,
О, севишли соҳибжамол..

Ойдаи юзинг шайдосиман,
Сен ҳам бир боқ гўзал жонон.
Бир боқишинг гадосиман,
Кел қилайлик аҳду паймон.

Раво кўрсанг жамолингта,
Этар эдим жоним нисор.
Етсам агар висолингта,
Айлар эдим зап бахтиёр!..

Ҳушим олган пойтахтлик қиз!..
Жондан севилган бахтли қиз!..

1965 йил.

ВАФО БИРЛА

Душлар ҳеч кимнинг севиғиси Ватанда ҳеч хор бўлмасин!
Севин ҳар бир инсон асло севилишга зор бўлмасин!

Севин боғида очилсин ҳар кимнинг ҳам пешонаси,
Вафо бирла безансин муҳаббат қарсин кошонаси!

Зор кетмасин Содиқнинг Садқатга ибодати,
Вафодорлик офатидан дарз кетмасин иморати!

Душлар ҳаммамиз ҳам ёру дўстга бўлайлик вафодор,
Вафодорлар турмушда доимо бўлишган бахтиёр!

Муваққиллик шайнимига вафодорлик ярашгай-о,
Бирин элу халқлар бизга ҳавас билан қарашгай-о,

Душларга етсин оқибатли халқимиз шуҳрати,
Назмин, вафо бирла оштай Ватаннинг ҳам куч-қудрати.

ҲАЙРОНЛИК

Эски кийимда юрсанг,
Ҳеч ким қилмас эътибор.
Фасон кийимда юрсанг
қизлар бўлишар хуштор.

Мен ҳайронман уларга
кийим керак бўлсаю,
Наҳот керак бўлмаса
инсондай ҳожатбарор?!

2002 йил.

БҮЛБҮЛСИЗ БОҒЛАРДА ТАРОВАТ БҮЛМАС

Чаманзор боғларда кезардим сархуш,
Сайри боғ таштидан топиб ҳаловат.
Тинмасдан сайрарди хушовоз бир куш,
Таралмоқда эди боғда тароват.

Дилкаш навосидан қилишиб роҳат,
Жонланишар барча маҳлукот, кушлар.
Куйидан топишиб файзу фароғат,
Ҳар дарахт, ниҳолу гуллар олқишлар.

Сабоблар яйрашар!.. Гуллар ўйнашар!..
Завқланиб тирилар бор жонзот буткул!..
Чаманлар мавжланар, жўр бўлар кушлар!..
Шунча завқ берарди бир митти булбул!..

Унинг навосини бўлиб бир маҳал
Дайди довул эсди санкиб, кутириб.
Унинг куйлашига етказди ҳалаг,
Тўполонлар қилиб, шаштин қайтариб.

— Эй, довул, — дедим мен, — ичингни ема,
Бенаво борлиқда ҳаловат бўлмас.
Боғлардан булбулни қуваман дема,
Булбулсиз боғларда тароват бўлмас!

2003 йил.

МЕНИ СЕНГА РАШКЛИ ЁР ТИЛАЙМАН, ИНСОН!

Ҳайёт деган боғда турмуш — бир туп гул
Тиниға қалқондир рашқи-тикони.
Номнаҳрам қўлларга қаламаса ул,
Бўлурми шу гулнинг яшаш имкони?! —
Турмушнинг мудоффа қасри эрир рашк, —
Сенилган ҳар қалбга ширин ифтихор.
Солиқ эканингни исбот қил, қураш,
Ҳақ бўлсанг рашқдан ҳеч ранжима зинҳор!
Фақат қувон рашқдан, чинакам, қалбдан.
Рашқдан хафа бўлган девонадир, — бил!
Кимки рашқсиз, тоғиб турар у лафздан.
Берашк кимса қалбдан бетонадир, — бил!
Кимки рашқка эмас экан сазовор.
Сенилгандан маҳрум эрур бечора!..
У ёр эмас, чўри ёки хизматкор, —
Арсатда қолган бир... бахти қора!
Ёр бўлса рашк қилсин, қизғансин! ЁНСИН!
Мен сенга рашкли ёр тилайман ИНСОН!
Токи у афронга ишонсин, консин!
Дотан рашк турмушни асровчи ПОСБОН!

1978 йил

БАХТ ЛАҲЗАСИ

Қўжжа боқсам Ой
Меҳр нурин сочган!..
Пастда сутдай жой
Бағрини очган!..
Ўртада эъзозда
Қўшалоқ жонлар!..

20.09.02

БАРҚ УР, ҚИШЛОҒИМ!

Мустақил пойтахтнинг қайноқ бағрида
Оромбахш оқшомлар ўтириб ўйноқ.
Эзгу ишдан қўллар тинган пайтда
Мен Сени эсладим жонажон қишлоқ.

Пойтахт бозорларин расталарида
Ширмойи нонларда Васинингни кўрдим.
Боғу бўстонларда, тулпар хуснида
Соҳибкорлигининг фахрини туйдим.

Киёмита етиб пишган мукамал,
Мевагардан билдим ишқу меҳрингни.
Қирмизи олмалар товланиб ял-ял,
Англапти меҳнаткаш гўзал чеҳрангни.

Ризқу рўз мухайё бўлган ҳар жойда
Ҳар маҳал танидим олтин қўлингни.
Югурмалинг толай, деб текин фойда,
Ҳаюл меҳнат билан кўрдинг кунингни.

Ўнбеш йилки, барҳам топган қўлингинг!
Эркин меҳнат билан обод қучоғинг.
Қутлуғ бўлсин шонли Ўнбеш йиллигинг!
Ойдай хур Ватанда барқ ур, қишлоғим!

2006 йил.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Адибнинг.....	6
Шифокор-шояр.....	7
Улар дориси.....	8
Адибнинг алқабдан.....	9
Нисон боласи қолмасин етим.....	10
Биз умр!.....	11
Мухаббат мулаоси.....	12
Биз назор.....	12
Нисон назор.....	13
Мунорда.....	14
Назор.....	14
Нисон ўт, иски гулхан аро.....	15
Нисон.....	16
Мисраба.....	17
Шифо ва кифт.....	18
Саломат сатри.....	19
Назор.....	20
Адибнинг.....	20
Уш кулар экан!.....	21
Нисон каллирот.....	21
Саломат иштижос.....	22
Сени кутиб инайман.....	22
Нисоннинг турмушин кўрсанг.....	23
Сени кут.....	23
Кутини.....	24
Нисон.....	24
Саломат.....	24
Уш.....	25
Мисраба.....	25
Назор.....	26
Мунорда.....	26
Уш вафотига қўлиб ашай.....	28
Кимлар кимларга хор.....	29
Мисраба.....	31
Нисон.....	32
Биз, таниганим гулим менинг.....	32
Кимлар.....	33
Саломат фаритталар.....	34
Назор.....	34
Кимга кифт мамотинини бағишлайлик биз?!	34

Жоним!	35
Канийди!	36
Қалқон ва найза	37
Ёки.....	37
Май пийёласи.....	38
Кўнғил фасллари.....	40
Ажаб дунё.....	41
Буёқлик.....	42
Уч юлдуз.....	42
Пойтахт куёви.....	43
О-о, кўшиқ!	43
Тошқанд қиши.....	44
Бас!	44
Чин экан.....	45
Устозим.....	46
Худо ярақатган Диёр.....	47
Ватанларни яшнатайлик.....	49
Пойтахтлик қиз.....	50
Вафо бирла.....	51
Хайронлик.....	51
Булбулсиз боғларда тароват бўлмас.....	52
Мен сента рашқин ёр тилайман, инсон!	53
Бахт лаҳзаси.....	53
Барқ ур, қишлоғим!	54

КЎНҒИЛ ФАСЛЛАРИ

Шеърлар

Босишга 15.09.2007 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108/32.
 Ҳажми б.т. 3,75 Нусхаси 550. Букортма №129.
 Шартнома №89/3. Нархи келишилган ҳолда.

Оригинал макет "Mediaprint" МЧЖ
 компьютер маркасида тайёрланди.

Алишер Навоий номидаги
 Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
 Тошкент шаҳри Х.Сулаймонов кўчаси 33-уй.